1961 йилда “Эластиклик ва пластиклик динамик назариясининг баъзи бир ўлчовли ва икки ўлчовли масалалари” мавзусида диссертация ҳимоя қилиб, физика-математика фанлари доктори бўлган, шу йили Ўзбекистон ФА муҳбир-аъзолигига сайланган. 1963 – 1966 йилларда Ўзбекистон ФА Механика институти ва ҳисоблаш маркази директори лавозимида ишлаган. У Ўзбекистонда янги ва истиқболли соҳа – туташ муҳитлар механикасини алгоритмлаштиришни бошлаб берган. 1964 йилда профессор унвони берилган. 1966 йилда Ўзбекистон ФА академиклигига сайланган.

1966 – 1977 йилларда Ўзбекистон ФА Кибернетика институти директори бўлиб ишлаган. 1971 йилда “Эластиклик ва пластиклик назарияси масалаларини ечишни алгоритмлаш бўйича қатор ишлари учун” Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти совриндори бўлган. 1977 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби” фахрий унвони берилган. 1978 – 1992 йилларда институт Ўзбекистон ФА нинг «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилгач, унинг бош директори лавозимида ишлаган.

Қобулов Восил Қобулович сермахсул олим сифатида 30 га яқин монография, 450 дан ортиқ илмий мақалолар муаллифидир. У республикамиз илм-фани учун 45 та фан доктори, 76 та фан номзоди тайёрлаб берган, 50 дан ортиқ монография ва ўқув қўлланмаларига масъул муҳаррирлик қилган. Олимнинг хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланган. Собиқ Иттифоқнинг “Октябрь революцияси”, “Қизил юлдуз” ва 1998 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Эл-юрт хурмати» орденлари ҳамда 12 та медаллари билан мукофотланган.

Илмий ишлари ҳисоблаш техникасини фан, техника ва халқ хўжалигининг турли соҳаларига жорий этиш билан боғлиқ. 2010 йил 21 январда вафот этган.

Асосий илмий ишлари:

1. Интегральные уравнения типа баланса и их применение к динамическому расчету стержней и балок. Ташкент: Изд-во АН УзССР. 1961. – 185 с.

2. Алгоритмизация в теории упругости и деформационной теории пластичности. Ташкент: Фан, 1966. – 394 с.
3. Автоматизированная система проектирования мостовых переходов на ЭВМ / Рахманов У.К. Ташкент: Фан, 1973. – 379 с.
4. Функционал анализ ва ҳисоблаш математикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – 436 б.
5. Методологические основы РАСУ / Ирматов М. И. Ташкент: Фан, 1976. – 173 с.
6. Алгоритмизация в механике сплошных сред. Ташкент: Фан, 1979. – 304 с.
7. Рақамли автоматлар алгоритмалар. Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 192 б.
8. Алгоритмизация в социально-экономических системах / АН УзССР. Узб. науч.-произв. об-ние «Кибернетика», Ин-т кибернетики с ВЦ. Ташкент: Фан, 1989. – 318 с.
9. Олий математика. Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 496 б.
10. Хужайра кибернетикаси. Нанотехнологиялар / Қобулов В.Қ., Қобулов А.В., Қосимова С.С. Халқаро муҳандислар акад., Ўзбекистон муҳандислар федерацияси. Тошкент: Fan va technology, 2011. – 286 б.
11. Арифметические, логические и алгоритмические основы ЭВМ / Кабулов В.К., Кабулов А.В. Международная инженерная академия, Инженерная федерация Узбекистана. Ташкент: Fan va technology, 2011. – 300 с.

У ҳақида адабиётлар:

Қобулов Восил Қобулович // Ўз МЭ. Т. 11. 2005. – 32 б.; Жизнь, посвящённая науке. К 90-летию академика АН РУз В.К. Кабулова. Ташкент, 2011. С. 262.; Академики // Интернет маълумоти: <http://instmech.uz/wp-content/uploads/2014/03/kabulov>.

2021 йилда академик Восил Қобуловнинг 100 йиллигини нишонлаймиз. Шу муносабат билан домланинг 90 йиллигида ёзилган, ҳамкасби ва шогирди, академик Т.Р.Рашидовнинг хотираларини қайта ишлаб, тўлдириб эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз – ред.

«ЗАМОНАМИЗ АЛ-ХОРАЗМИЙСИ»

(Устоз Восил Қобуловни эслаб)

Мен ўз ҳаётимда кўпроқ олижаноб, ҳурмат-эътиборга сазовор, ўта захматкаш, мавлоно инсонлар билан учрашганман, улардан сабоқ олганман. Улар қаторидан муҳим ўрин эгаллаган, устоз академик Восил Қобуловдир. Мен илк бор устоз Восил Қобулов билан домлам Мухаммад Тошевич Ўрозбоев тавсиялари билан учрашганман.

М.Т.Ўрозбоев – техника фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА академиги, шу пайтлар (1956 й.) Ўзбекистон Фан ва Техника давлат қўмитаси раиси, менинг аспирантура бўйича илмий раҳбарим эдилар. Менинг диссертация мавзуим ер ости қувурларининг зилзилабардошлиги масаласига бағишланган эди. Кейинчалик билсам, устозим 1948 йилдаги Ашхобод зилзиласида айрим қувурларнинг шикастланганлигини кузатиб, Тошкент темир йўллар институти ўқитувчиси Р.М.Мукурдумовга шу масалани ўрганишни топширган эканлар. Рубен Михайлович Мукурдумов айрим ер ости қувурларини, шу жумладан Ашхобод ва Япония зилзилаларида шикастланганлигини таҳлил қилиб, ер ости қувурлари зилзилабардошлиги бўйича изланишлар олиб бориб, номзодлик диссертациясини ёклаган (1953 й.).

У ўз ишида стерженда бўйлама тўлқин тарқалиши назариясини қўллаб, яъни қувур-гурунт тизими зилзила юз берганда биргаликда ҳаракат қилади, деб ҳисоб-китоб қилиб, сўнгра айрим фаразларни илгари сурганлар. Асосий ғоя шуки, у киши қувурлар фақат унинг ўқи бўйича тўлқин тарқалганда шикастланади, деган фикрга келганлар.

Бу масала кейинчалик Грузия профессори Шио Германович Напетваридзеннинг “Гидротехник иншоотлар зилзилабардошлиги” номли докторлик диссертацияси ва монографиясида қайд қилинади (1959 й.). Мен кейинчалик улар бажарган ишларга баҳо бериб, бу натижалар фақат тоғлик шароитларда, гурунтнинг механик хоссалари қувур хоссалари билан яқин бўлганда қўлланиши мумкин, деган фикрни билдирдим. Мен ҳам ўзимнинг биринчи илмий мақоламда (буни техника фанлари номзоди, доцент Юлий Робертович Лейдерман ёрдамида бажарганман) бу фикрни эсга олдим, ер қимирлаганда қувур ва гурунт ҳар хил ҳаракатда бўлишини исботладим.

Юқоридаги ифодалар мен чиқарган назарий ҳулосалардан хусусий ҳолда келиб чиқишини исботладим. Р.М.Мукурдумов ва Ш.Г.Напетваридзе изланишлари натижаларига, динамик зилзилабардошлик назариясига асосланиб, ер ости қувурларининг статик зилзилабардошлик назарияси деб ном бердим.

Шу кезлар устозим М.Т. Ўрозбоев давлат ишлари билан жуда банд бўлар эдилар. Мен эса университетни шу соҳа бўйича ёзилган диплом иши билан тугатган бўлишимга қарамай, илмий йўналишим бўйича адабиётлар қидирав эдим. Ер ости иншоотлари – қувурлари зилзилалар вақтида кам учраганлиги

(ҳозирда бу соҳада адабиётларнинг сон-саногига етиб бўлмайди), мени ҳайратга солар эди, кўп ўйлардим. Нима қилсам экан, домланинг олдига олиб борадиган натижаларим ўзимни қаноатлантирмасди. Қарасам, вақт ўтиб бормоқда, яна оилавий ахволим жуда яхши эмас, оиламиз таянчи бувамлар вафот этдилар, янги оила қурганман, умр йўлдошим оғир касал бўлиб қолганди.

Қандайдир куч топиб, домлам қабулларига бордим, у киши мени куттирмасдан, қабул қилар эдилар. Домламга қўйилган мавзудан бироз норози эканлигимни, адабиёт йўқлигини, зилзилалар пайтида ер ости қувурлари ҳақида гап камлигини айтдим. Ёрдам сўрадим. У киши менга: “Восил акага бор, у сенга ёрдам қилади”, дедилар. Восил Қобулов шу кезлар пластина кўринишидаги иморатлар зилзилабардошлиги масалалари бўйича яхши илмий ишлар бажарган, эластиклик назариясини мукаммал ўрганган ва шу йўналишда докторлик диссертациясини тайёрлаётган эдилар. Йилдан-йилга ўсаётган, кўзга ташланиб қолган ёш олим эдилар. Сал ўтмай фан доктори бўлдилар, диплом олмасдан олдин Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзолигига сайландилар (1962 й.). Ўзбекистонда ҳисоблаш машиналарининг қўлланиши билан боғлиқ ишлар тақдир у кишига ишониб топширилди. Бу йўналишнинг бошида М.Т.Ўрозбоев ва В.А.Бугаевлар турсада, Математика институти қошида “Ҳисоблаш Маркази”ни ташкил қилишда (1956 й.), Ўзбекистонда биринчи ЭҲМ “Урал-1” ни ишга туширишда (1959 й.) Восил Қобуловнинг ташкилотчилиги, фидойилиги, илмий салоҳияти ҳамда мақсад сари интилувчанлиги ётади.

Ахборот технологиялари жадал ривожланаётган ҳозирги кунда бу соҳанинг алифбосини яратиш, уни ривожлантириш, ЭҲМ ларнинг фанда ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам кенг қўлланишини таъминлаш, ҳозирги мустақиллик даврида компьютер техникасидан қийналмай мукаммал фойдалана оладиган мутахассисларни тайёрлашда, халқнинг техник маданиятини юксалтиришда Восил Қобуловнинг ҳиссаси жуда катта эканлигини нафақат соҳа мутахассислари, балки бутун жамоачилик эътирофи ётади.

Ҳаёт шуни кўрсатди-ки, М.Т.Ўрозбоев томонидан Восил Қобуловнинг ахборот технологиялари соҳасига йўналтирилиши (ихтисослашуви) республика, қолаверса собиқ иттифоқ учун ҳам ўта долзарб масаладир, нақадар чуқур ўйланиб қилинган ишдир. Республикада ахборот технологияларининг ривожланиши, фан ва ишлаб чиқаришда ЭҲМ ларнинг қўлланилиши, Кибернетика институтининг ташкил топиши, АСУ (автоматлаштирилган бошқарув тизимлари) нинг жорий қилиниши у кишининг номи билан боғлиқ. Бу соҳада Восил Қобуловнинг ҳиссаси бекиёсдир. У киши Ўзбекистонда кибернетика фанининг асосчиси, ҳаётимизни алгоритмлаштириш соҳасининг кашшофи бўлди. Восил Қобуловнинг илмий салоҳияти, ватанпарварлиги ва ташкилотчилик қобилияти бу соҳани собиқ иттифоқда олдингилар қаторига олиб чиқди, жаҳон эътирофига сазовор бўлди.

Бу ерда Восил Қобуловнинг илмий ва ижтимоий фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турган Фанлар академиясининг Президенти Ҳ.М.Абдуллаев ва Марказкомнинг биринчи котиби, доно раҳбар Ш.Р.Рашидовни алоҳида эслатиб ўтиш жоиздир. Ҳ.М.Абдуллаев Восил аканинг бошлаган ишларига катта умид билан қаради, Фанлар академияси доирасида барча шарт-шароитларни яратиб берди, айниқса, ахборот технологиялари соҳасида миллий кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор берди. Иқтидорли ёшларни Марказдаги таниқли олимларга бириктириб, докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишига амалий ёрдам бердилар. Ш.Р.Рашидов эса республиканинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишининг келажагини ўйлаб, бу соҳага кенг йўл очиб берди, институтни ҳамда кадрларни моддий ва маънавий қўллаб турди. Натижада халқнинг турмуш тарзи ўзгарди, республика ЭҲМ ларни қўллаш бўйича собиқ иттифоқда олдинги ўринга кўтарилди.

Бугун мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ҳурматли устозларимиз бошлаган ишларни янги мазмун билан бойитиб, сифат жиҳатдан янги юксак босқичга олиб чиққанлиги кишида келажакка умид уйғотади. Илм-фанга, маънавиятга эътиборнинг кучайиши, инновацион ривожланиш вазирлигининг жорий қилиниши, “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” дастурининг амалда бажарилиши, коррупцияга қарши курашнинг изчил олиб борилиши устозларимиз орзуларининг рўёбга чиқиши эмасми! Зеро, улуғларнинг руҳини шод этган – кам бўлмас. Бугун “Султон – суягин хўрламас”, деган доно халқимизнинг ҳикматиға амал қилиб, сиёсат олиб бораётган Президент атрофида жипслашиб она Ватан равнақи йўлида хизмат қилиш ҳар бир олимнинг муқаддас бурчидир. Бу бизга устозлардан қолган ўғитдир.

Ўрни келганда шуни айтиш жоизки, биз Восил Қобулович билан (мен академиянинг бўлим мудири муовини эдим) 1983 йилда Хоразмда ал-Хоразмийга бағишланган халқаро илмий анжуман ўтказдик (унга ЎзР ФА вице-президенти, жаҳон эътироф этган математик олим, академик С.Сирожиiddинов раислик қилган эдилар). Шу анжумандан бошлаб, ал-Хоразмийнинг математика фанига қўшган ҳиссаси яна бир бор тан олинди, Восил Қобулов эса “Замонамиз ал-Хоразмийси” деган таърифга сазовор бўлдилар. Ҳақли эътироф! Чунки, алгоритмлаштириш жараёнини бошлаб бериб, ал-Хоразмийнинг номини ҳисоблаш техникаси орқали ҳар бир ханодонга олиб кирган Восил Қобуловичдир, буни тан олиш керак!

Мен ЎзР ФА бош илмий котиби, вице-президенти лавозимида ишлаганимда Восил Қобуловнинг ютуқлари, у кишининг қийинчиликлари, ўша йиллар бошига тушган тухматлар гувоҳи бўлганман. Лекин Восил Қобулов забардаст инсон эдилар, қилаётган ишларининг тўғрилигига ишонар эдилар. Ҳеч қачон тушқунликка тушганларини эслай олмайман, иродаси кучли инсон эди. Албатта, “беайб – парвардигор!”

деганларидек, айрим масалаларда кўпроқ таваккаллик ишлари ҳам бор эди, шунинг учун ҳам баъзан танбехлар эшитар, уни кўролмайдиганлар эса шундан фойдаланар эди.

Ўша кезлар биз – республика илмий-техника жамиятлари уюшмаси хайъати аъзолари, улар орасида биринчи Президент Ислом Каримов ҳам бор эдилар, шу кезлар ҳисоблаш техникасининг республикада қўлланишини ривожлантиришга, тегишли кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида аҳамият берар эдик. Ислом Каримовнинг давлат режалаштириш қўмитаси раиси (Госплан) сифатида ҳурмати юқори эди. Давлат томонидан ажратилган маблағларни у киши назорат қилар, қўлларидан келган ёрдамни аямас эди, Восил Қобуловга алоҳида ҳурмат билан мурожаат қилар эдилар.

Энди яна бироз орқага қайтиб, менинг Восил ака билан илк бор мулоқотимга қайтсам. У киши менинг илмий йўналишим ер ости қувурларининг зилзилабардошлиги масаласида эканини эшитиб, бирдан “сенинг бу йўналишингдан ҳеч нарса чиқмайди”, деб юборсалар бўладими (бу гапларни мен у киши тириклигида ҳам журнал саҳифаларида ёзганман). “Сен қалин қувурлар динамикаси устида иш олиб боргин. Эластиклик назариясини қўллайсан, Остроградский-Гамильтон усули билан тенгламалар чиқарасан. Ёчиш йўлларига ёрдам бераман, мана ҳисоблаш масалалари ҳам енгиллашмоқда”, дедилар. Бу ажойиб сўзлар эди. Ҳозир олинаятган натижалар Восил аканинг сўзларини исботламоқда.

Ўша вақтда Восил Қобулов шу йўналишда диссертация тайёрлаётган эдилар. Буни кейин тушундим. Шу тариқа, мен у киши фикрига қўшилдим, унинг гаплари менга оғир ботмади, ҳақиқатан ҳам ўша кезлар ер ости иншоотлари зилзила вақтларида шикастланиши ҳали яхши ўрганилмаган эди, ер ости иншоотларининг ўзи ҳам кам қўрилган эди.

Деярлик бир йил давомида домламнинг олдиларига бормадим. Восил ака қўйган масалада чуқур изланишлар олиб бордим, юзлаб бетлик дафтарлар тўлдирилди. Лекин ҳисоб-китоб масаласи анча олдинда эди. Афсус, бу натижалар ҳозир архивимда йўқолган.

Кунлардан бирида Алишер Навоий номидаги давлат кутубхонасида ишлаб ўтириб, россиялик мутахассислар Аронов ва Емельяновларнинг (улар Ленин мукофоти совриндори эдилар) ер ости қувурларининг кучланишлар тажриба усулида ўрганилган мақолаларига кўзим тушди. Қарасам, М.Т.Ўрозбоев билан мавзуим бўйича биринчи учрашувдаёқ “тенглама тузиб, ушбу қувур ва грунт тизимидаги ўзаро алоқадорликка тегишли қисмидаги коэффициентни ўргансанг, ишинг яхши амалга ошади” деган фикрлари ёдимга тушди. Ўша коэффициент ҳақидаги фикр ушбу тажрибада бироз ёритилган эди. Бу ер ости иншоотлари сейсmodинамика назариясининг бошланиши эди.

Кўчанинг нариги бетида домлам раҳбарлик қилаётган Давлат фан-техника қўмитаси жойлашган эди, дарров у кишининг қабулига кирдим. Қувончимни тушунтирдим. Шунда у киши хотиржам ҳолатда: “Яна қайтишингга ишонган эдим”, дедилар. Шундай қилиб, илмий фаолиятимнинг дастлабки даврларидаёқ менинг тақдирим ҳақида ўйлашган М.Т.Ўрозбоев ва В.Қобуловлардек устоз олимлар билан мулоқотда бўлган эдим.

Шу тариқа М.Т.Ўрозбоев раҳбарлигида номзодлик диссертацияси, сўнгра Москвалик замонамизнинг даҳо механик олими, Россия ФА муҳбир-аъзоси А.А.Ильюшин раҳбарлигида докторлик диссертациясини ёқладим. 1971 йил 9 май куни эрта саҳарда М.Т.Ўрозбоев оламдан ўтдилар, мен эрталаб Москвадан Тошкентга келиб, домламнинг уйларига бордим. Мендан сал сўнг Марказком биринчи секретари Шароф Рашидов ва Марказком секретари Оқил Салимов келдилар. Шунда кетиш олдида Оқил ака менга савол бердилар: “Қачон докторлик диссертациясини ёқлайсиз?”. Шунда мен: “Ёзга мўлжаллаган эдим, энди домлам маъракаларидан сўнг давом эттираман, кузда ёқлайман”, дедим. Оқил ака менга Шароф Рашидов бутун дафн маросимида сўзга чиқишимни ва тез Москвага кетиб, ёзда ёқлашимни тайинлаганларини айтдилар.

Шу куниёқ дафн маросимидан сўнг Москвага кетдим. 29 май куни Академиянинг бўлим бошлиғи Восил Қобуловга Москвадан қўнғироқ қилиб, ишим тайёрлигини айтдим, қайтмоқчи эканимни ҳам билдирдим. Мен айтмасданоқ етиб келишимни, ҳали вақт борлигини таъкидладилар. “Мана мен сенга оппонент бўламан”, деб ўзлари айтдилар. Хурсанд бўлдим. Москвадан проф. М.А.Колтунов ишим билан таниш эдилар, унинг ҳам оппонентликка розилигини олдим. Тошкентдан проф. Қозоқбоев ҳам оппонентликка рози бўлдилар. 1971 йил 2 июнь куни ишим кенгашга қабул қилинди, 2 июль куни Ўзбекистон ФА Хайъат конференция залида докторлик диссертациямни муваффақиятли ёқладим.

Шуни кези келганда алоҳида тилга олишим зарурки, мен диссертацияни тамомлаш учун Москвага кетмоқчи эканлигимни Фанлар академияси Президенти, академик Обид Содиковдан сўраганимда (мен ўша пайтда Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг директори эдим), менга ҳеч йўқ демасдан қўллаб-қувватладилар, шароитлар яратиб бердилар. У кишининг олийжаноблиги ҳақида алоҳида ёзиш зарур ва лозим. У кишини Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин!

Мен илк бор мураккаб ер ости иншоотлари сейсmodинамикаси назариясини яратдим ва бутун умримни шу назариянинг ривожига, ҳаётга кенг тадбиқ қилинишига бағишладим. Шогирдларимдан Ё.Н.Муборақов менинг назариямни ривожлантириб, қобиксимон ер ости иншоотларига тадбиқ қилди ва “Фазовий конструкцияли ер ости иншоотлари сейсmodинамик назарияси”ни кашф этди. Мен эришган

натижаларим билан нафакат жаҳонга танилдим, балки шогирдларимнинг ишлари ҳам жаҳонда эътироф этилди.

Албатта, номзодлик диссертациямда илк бор ҳисоблаш машинасини қўллаганман (1964 й.), докторлик диссертациямда авиация конструкциялари динамикасига оид масалалар ечилишида ҳисоблаш машинаси программасини Жуковский номи ЦАГИ да ишларимда илк бор қўллаганман. Бу ерда менга шогирдларимдан, кейинчалик республикамизнинг йирик олимлари даражасига кўтарилган, Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти совриндорлари: проф. Ғ.Хожметов, проф. А.Ишонхожаев, проф. Б.Мардонов, проф. В.А.Омельяненколар катта ёрдам қилдилар.

Шу боис Восил ака билан бирга ўтказган бошланғич кунларим зое кетмади. У киши устоз сифатида ишдаги муваффақиятларимни бошиданок тан олиб, мени қўллаб-қувватладилар. Умрларининг охиригача менга сидқи дилдан, чин юракдан ёрдам қўлини узатиб келдилар, доим сейсמודинамикага ривож тиладилар.

Ўша пайтда Восил ака билан илк бор учрашувда қўйилган масалалар устида ишлаганим менга бугун ҳам қўл келмоқда. Ўша мураккаб интеграллар, юзлаб ҳисобли варақлар бекорга кетмади. Юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда, янги масалаларни ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган даражада ҳал қилишда Восил Қобулов сабоқлари бугун менга куч бахш этмоқда. У кишининг порлок сиймоси олдида ҳамisha таъзимдаман.

Т.Р. Рашидов,

*ЎзР ФА академиги, ЎзР хизмат кўрсатган фан арбоби,
собиқ иттифоқ ва Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти совриндори*

ФАЙЗУЛЛАЕВ ЖОРУЛЛА ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ (1924 – 1992)



Таниқли гидромеханик олим, Ўзбекистонда кўп фазали муҳитлар механикасининг асосчиси. У 1924 йил 11 февралда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1948 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон МУ) физика-математика факультетини тамомлаган. 1947 – 1953 йилларда Тошкент тўқимачилик техникумида, 1953 – 1960 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида ўқитувчи, 1960 йилда ЎзР ФА М.Т.Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институтида катта илмий ходим, 1962 – 1963 йилларда шу институт директори, 1966 – 1970 йилларда директор ўринбосари, 1961 йилдан то умрининг охиригача “Гидродинамика” лабораторияси бошлиғи лавозимларида ишлаган.

1959 йилда “Сикилмайдиган ковушқоқ икки фазали муҳитнинг ўрнатилган ҳаракати ҳақида” мавзуси бўйича физика-математика фанлари номзоди, 1969 йилда “Қувурдаги аралашмалар гидродинамикаси” мавзуси бўйича физика-математика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилган. 1971 йилда “Профессор” илмий унвони берилган. 1974 йилда ЎзР ФА мухбир-аъзолигига сайланган.

Илмий ишлари суюқлик ва кўп фазали муҳитлар механикаси, гидродинамика, қон гидродинамикаси, суғориш гидродинамикасига оид. Х.А. Рахматулиннинг кўп фазали муҳитлар ўзаро киришма ҳаракати моделига асосланиб, Файзуллаев аралашмалар ҳаракатига оид масалаларни назарий ва экспериментал ҳал қилди. Реологик хусусиятлари ҳар хил бўлган фазалардан иборат аралашмалар гидродинамикасига оид адабиётларда “Рахматулин — Файзуллаев модели” термини киритилди. Файзуллаев Ж. бир фазали гидродинамик моделларда Ньютон суюқлиги ва бошқа суюқликлар ҳаракатига оид қатор масалаларни, ёпишқоқ ва ёпишқоқ-пластик суюқ-ликлар (сув, нефть)нинг қувурлардаги оқимида бўлган қаршиликларни ка-майтириш тадбирини асослаб берди.

Ўзбекистонда кўп фазачиларнинг илмий мактабини яратган олим 10 та монография, 140 дан ортиқ илмий мақолалар ёзган, 20 дан ортиқ монография ва илмий тўпламларга масъул муҳаррирлик қилган. Фанмиз ривожини учун 10 га яқин фан доктори, 20 дан ортиқ фан номзоди тайёрлаб берган.

Олимнинг механика фанига қўшган ҳиссаси, малакали кадрлар тайёрлашдаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У 1981 йилда “Хурмат белгиси” ордени ва 1970 йилда Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг 1 даражали дипломи билан мукофотланган. У ЎзР ФА, Республика қасаба уюшмалари кенгаши, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг Фахрий ёрлиқлари ва кўплаб кўкрак нишонлари билан тақдирланган эди. Олим 1992 йилда вафот этган.

Асосий асарлари:

1. Ламинарное движение многофазных сред в трубопроводах. Ташкент: Фан, 1966. – 220 с.
2. Laminar Motion of Multiphase Media in Conduits. Translated from Russian. New York, 1969. – 144 p.
3. Гидродинамические модели движения смесей. Ташкент: Фан, 1972. – 200 с.
4. Последовательные движения жидкостей. Ташкент: Фан, 1976. – 183 с.

5. Гидродинамика одно- и двухфазных сред и её практические приложения (в соавторстве). Ташкент: Фан, 1980. – 167 с.
6. Гидродинамика пульсирующих потоков (в соавторстве). Ташкент: Фан, 1986. – 215 с.

У ҳақида адабиётлар:

Ўз МЭ, 2005. 9-том. Б. 173; Ташкент. Энциклопедия. Ташкент: ЎзСЭ, 1983. С. 198; Нигматулин Р.И. Основы механики гетерогенных сред. М.: Наука, 1978. С. 27; Кабулов В.К. Уразбаев и механика в Узбекистане. Ташкент: Фан, 1992. С. 36 – 37; Рашидов Т.Р. Развитие механики в Узбекистане. Ташкент: Фан, 1986. С. 9 – 10, 13; Устозларни ёдлаб. Хотиралар. Тошкент: МИСМИ, 2009. 16 – 21 б.

ГЛУЩЕНКО АЛЕКСЕЙ ДАНИЛОВИЧ (1934 – 2010)

Машинасозлик соҳасида таниқли олим, ихтирочи, техника фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА академиги.

У 1934 йил 10 октябрда Ашхабод шаҳрида ишчи oilасида таваллуд топган. 1948 – 1953 йилларда Ашхабод темир йўл транспорти техникумида таҳсил олган. 1953 – 1958 йилларда Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтида таҳсил олиб, Тошкент тепловоз ва вагонларни таъмирлаш заводида ишлаган. 1959 – 1960 йилларда ЎзР ФА М.Т.Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институтида илмий ходим, 1960 – 1963 йилларда Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти аспиранти, 1964 – 1971 йилларда шу институтнинг доценти, катта илмий ходими, 1971 – 1979 йилларда “Ҳаракатланувчи таркиб” кафедраси мудири, 1979 – 1984 йилларда Механика факультети декани, 1984 – 1990 йилларда ЎзР ФА Президиуми аъзоси, механика ва бошқарув бўлимининг академик-котиби, 1990 – 1998 йилларда ЎзР ФА М.Т.Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институтининг “Пахта териш машиналари” бўлими раҳбари, 1998 – 2004 йилларда Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг “Машиналарни лойиҳалаш асослари” кафедраси мудири лавозимларида ишлаган.



У 1964 йилда техника фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун “Тик шпинделли пахта териш машинаси шпинделларидаги тебранишлар натижасида таянч нукталарга тушувчи кучлар таъсирини ўрганиш” мавзусида, 1971 йилда техника фанлари доктори илмий даражасини олиш учун “Пахта териш машиналаридаги шпинделлари тикишган териш апаратининг асосий қисмларида содир бўладиган динамик жараёнларни ўрганиш” мавзусида диссертация ҳимоя қилган. 1973 йилда “Профессор” илмий унвони берилган, 1984 йилда ЎзР ФА академиклигига сайланган. Илмий фаолияти пахта териш машиналарини такомиллаштиришга, транспорт машинасозлиги ва локомотив ҳўжалиги назариясига бағишланган.

У сермахсул олим сифатида 9 та монография, 210 дан ортиқ илмий мақолалар ёзган, ихтирочи сифатида 512 дан зиёд кашфиёт қилган, 11 та монографияга масъул муҳаррир бўлган. Машинасозлик илми учун 6 та фан доктори, 40 дан зиёд фан номзодларини етказиб берган. Олимнинг илмий-педагогик фаолияти давлатимиз томонидан муносиб баҳолиниб, 1994 йилда “Шухрат” медали билан тақдирланган. У 2011 йил 11 июнда вафот этган.

Асосий асарлари:

1. Динамика тяговых электродвигателей тепловозов. Ташкент: Фан, 1980. – 168 с.
2. Динамика механизмов привода шпинделей уборочных аппаратов хлопкоуборочных машин. Ташкент: Фан, 1985. – 153 с.
3. Динамика и оптимизация хлопкоуборочного аппарата многократной обработки растений хлопчатника. Ташкент: Фан, 1990. – 232 с.
4. Моделирование динамических взаимодействий долек хлопка и шпинделей в хлопкоуборочных аппаратах. Ташкент: Фан, 1995. – 132 с.
5. Исследование импульсного динамического и теплового нагружения материала колесных пар локомотивов. Ташкент: Фан, 2002. – 194 с.

У ҳақида адабиётлар:

ЎзР МЭ, 2002. Т.3. 42 б.; Алексей Данилович Глущенко – 70 лет. Ташкент: Фан, 2004. – 88 б.; Кабулов В.К. М.Т.Уразбаев и механика в Узбекистане. Ташкент: Фан, 1992. С. 56 – 57.; Рашидов Т.Р. Развитие механики в Узбекистане. Ташкент: Фан, 1986. С. 32 – 34.

БЎРИЕВ ТОЖИБОЙ (1938 – 2008)



Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси мактабининг йирик вакили, эластиклик-пластикликнинг деформацион назариясини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган таниқли олим, физика-математика фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА академиги, Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти совриндори.

У 1938 йил 12 майда Тошкент вилояти, Тошкент туманида таваллуд топган. 1961 йилда ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг механика-математика факультетини аспирантурага кириш тавсияномаси билан битирган. 1961 – 63 йилларда ЎзР ФА Математика институти қошидаги Ҳисоблаш Маркази аспиранти, 1964 – 65 йилларда ЎзР ФА Механика институти қошидаги Ҳисоблаш Марказида кичик илмий ходим, 1966 – 71 йилларда ЎзР ФА Кибернетика институти Ҳисоблаш Марказида катта илмий ходим, 1972 – 75 йилларда Ҳисоблаш Маркази раҳбари ҳамда ЭҲМ математик таъминоти лабораторияси мудир, 1976 – 80 йилларда инфорацион изланиш тизимлари, 1981 – 2002 йилларда конструкцияларнинг автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари лабораторияси мудир лавозимларида ишлаган.

Илмий ишлари қаттиқ жисм механикасига оид масалаларни алгоритмлашга, статик ва динамик юк таъсиридаги бир ўлчовли ва кўп ўлчовли конструкцияларнинг аниқ ҳисобларига, эластиклик назариясининг динамик ва статик масалаларига бағишланган. У сейсмик (8 – 9 балли) ва носейсмик (5–7 балли) минтақалар ва қорли-шамолли ҳудудлар учун фазовий стерженли конструкцияларни мустаҳкамлик, барқарорлик ва минимал оғирлик мезонлари асосида ишлаб чиқди. У янги техника, саноат, қурилиш объектлари конструкцияларига қўйилган ташқи кучнинг ортиши билан ривожланадиган пластик деформациянинг конструкция мустаҳкамлигига таъсирини эластик-пластик деформациялар тарихида биринчи бўлиб ЭҲМ да узил-кесил ҳал этди. Кўп ораликли фазовий конструкциялар тарихида биринчи бўлиб эластик устунлар ҳамкорлигини эътиборга олиш, статик, динамик, сейсмик кучлар қўйилганида тенг мустаҳкамлик мезони бўйича устуворлик ва минимал оғирлик шартларини қаноатлантириб оптималлаш назариялари ҳамда қўйилган муаммоларни ҳал этадиган янги усуллар, тежамкор алгоритмлар, тезкор дастурий мажмуалар ишлаб чиқди.

1965 йилда физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун “Эллиптик плиталарни ҳисоблашда ЭҲМ ни тадбиқ қилиш” мавзусида, 1974 йилда физика-математика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун “Юпка деворли конструкциялар кўтарувчи элементлари ҳисобини алгоритмлаш” мавзусида диссертация ҳимоя қилган. Унга 1976 йилда “Профессор” илмий унвони берилган. 1989 йилда ЎзР ФА муҳбир-аъзолигига, 2000 йилда ҳақиқий аъзолигига сайланган.

Олим Ўзбекистонни жаҳонга фазовий конструкцияларда пластик деформацияларни тадқиқ этиш ва оптимал лойиҳалашга оид илмий ишлари билан танитди. У 4 та монография ва 380 га яқин кашфиёт, илмий мақолалар ёзган. Устоз сифатида 2 та фан доктори, 10 дан ортиқ фан номзодини тайёрлаб берган.

Унинг самарали илмий-педагогик фаолияти давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. 1971 йилда Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти соҳиби бўлган. 1986 йилда “Ҳурмат белгиси” ордени, 1977 йилда “Фуқаро мудофааси аълоҳиси” медали, 1956 йилда Ўзбекистон Олий Кенгаши Президиуми Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган. У 2008 йил 27 июлда вафот этган.

Асосий асарлари:

1. Расчет тонких плит на ЭВМ. Ташкент: Фан, 1976. С. 132.
2. Алгоритмизация расчета несущих элементов тонкостенных конструкций. Ташкент: Фан, 1986. – 244 с.
3. Разработка и реализация на ЭВМ экономических алгоритмов решения краевых и оптимизационных задач механики деформируемого твердого тела. (Препринт. – НПО «Кибернетика», Р-3-4), Ташкент, 1988. С. 44.
4. Алгоритмическая система расчета трехмерных упругих тел. Ташкент: НПО «Кибернетика» АН РУз, 1994. С. 147. (в соавторстве)
5. Обеспечение безопасности конструкций сложных объектов в экстремальных ситуациях. Ташкент: Fan va technology, 2009. С. 148.

У ҳақидаги адабиётлар:

Ўз МЭ. Т. 2. 2001. Б. 348; Замондошимиз Тожибой Бўриевнинг кашфиёти // “Совет Ўзбекистони” газетаси, 1990 йил 12 декабрь сони; Олимнинг ижод олами // “Тошкент окшоми” газетаси, 1988 йил 20 сентябрь сони; Тожибой Бўриев (Ўзбекистон олимларининг ҳаётига оид материаллар. Масъул муҳаррирлар: проф. Орипов М.М., проф. Худойбергенов Қ.). Тошкент: ЎзР ФА “Замонавий инфорацион технологиялари” илмий-техникавий маркази, Ўз МУ. 2018. Б. 88.

ЛЕБЕДЕВ ОЛЕГ ВЛАДИМИРОВИЧ (1940 – 2010)

Таниқли механик олим, техника фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА академиги, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби. У 1940 йил 25 январда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1958 – 1962 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультетида таҳсил олиб, ўқишни тугатгач, ТИИИМСХ нинг “Автомобиллар ва тракторлар” кафедрасида ассистент бўлиб ишлаган.

1967 йилда техника фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун “Юқори тезликдаги пахтачиликка мўлжалланган чопиқ трактори ҳаракати турғунлиги тидкиқи” мавзусида диссертация ҳимоя қилган. 1969 йилда “Автомобиллар ва тракторлар” кафедрасининг доценти, 1970 – 1971 йилларда ТИИИМСХ “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультети декан муовини, 1971 – 1981 йилларда шу институтнинг илмий ишлар бўйича проректори бўлиб ишлаган. 1976 – 1978 йилларда Н.Э.Бауман номидаги Москва олий техника билим юртининг сиртки докторантурасида таҳсил олган. 1979 йилда техника фанлари доктори илмий даражасини олиш учун “Ғилдиракли тракторлар руль бошқаруви илмий асосларини ишлаб чиқиш” мавзусида диссертация ҳимоя қилган. 1980 йили Тошкент автомобил йўллари институтининг “Автомобиллар ва тракторлар” кафедраси “Профессори” илмий унвони берилган.

1980 – 1987 йилларда ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими вице-президенти лавозимида, 1987 йилда ЎзР ФА академиклугига, шу йили Фанлар академиясининг вице-президенти лавозимида сайланган. У 1984 – 1994 йилларда собиқ СССР ОАК аъзоси эди, 1990 йилда физика бўйича Нобел мукофоти комитетининг эксперти, ЎзР ФА физика-математика бўлими раиси, 1994-2009 йилларда ЎзР ФА М.Т.Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг “Юритмалар тизимлари динамикаси ва ишончлилиги” лабораторияси мудир бўлган эди. Унинг илмий ишлари ғилдиракли машиналарнинг руль бошқармалари ва бошқа механизмларнинг гидродинамика назарияси; истиқболли гидрокучайтиргичлар босими манбаларини лойиҳалаш ва ҳисоблаш; машина ва механизмларни техник талабларга асосан синтезлашга оид.

Сермаҳсул олим жаҳонга машҳур 10 монография, 80 дан ортиқ кашфиёт, 500 дан зиёд илмий мақолалар муаллифидир. Фақат тракторларнинг олдинги ғилдираги, гидропривод ва гидротизими, руль бошқаруви оид 80 та кашфиёти пахтага ишлов беришга мослашган тракторларда қўлланиб келинмоқда. Олимнинг раҳбарлигида 7 та фан доктори ва 20 дан ортиқ фан номзоди жаҳоннинг турли мамлакатларида фаол ишлаб келмоқдалар. У Италия, Куба, Россия, Малайзия, АҚШ, Ҳиндистон, Танзания, Сирия, Исроил, Тунис, Германия каби мамлакатларнинг нуфузли университетларида маърузалар ўқиган.

Олимнинг илмий-педагогик фаолияти давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, 1981 йилда “Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби” фахрий унвони берилган. 1994 йилда “Мустақиллик” медали, 1999 йилда Тошкент автомобил йўллари институтининг “Хизмат кўрсатган профессор” дипломи ва бир неча вазирликларнинг “Фахрий ёрлик”лари билан тақдирланган. У 2010 йил 31 июлда вафот этган.

Асосий асарлари:

1. Технологические основы регенерации отработанных масел. Ташкент: Фан, 1998. – 155 с.
2. Научные основы эксплуатационной надежности гидропривода машин, применяемых в сельском хозяйстве Каракалпакии. Нукус: Каракалпакстан, 1983. – 156 с.
3. Машина деталларини тиклаш технологияси. Тошкент: Техника олий ўқув юртлари учун дарслик, 2001. – 282 б.
4. Теория, расчет и особенности специализированных тракторов. Ташкент: Фан, 2006. – 161 с.
5. САПР в машиностроении. Ташкент: Фан, 2004. – 111 с.
6. Предпосылки к дизайну легкового автомобиля класса С; Д; Е. Ташкент: Узбекистан, 2002. – 151 с.
7. Основы эксплуатации гидроприводов системы машин, применяемых в хлопководстве. Ташкент: Фан, 1982. – 143 с.
8. Подвески легковых автомобилей (теория и расчет методом имитационного моделирования). Ташкент: Фан, 2006. – 202 с.
9. Мехатронные системы машин. Ташкент: ИМиСС АН РУз, 2010. – 219 с.
10. Динамические режимы и хаотические движения элементов приводов машин. Ташкент: ИМиСС АН РУз, 2010. – 141с.

У ҳақида адабиётлар:

WhoisWho. Достижения ученых. Сборник Американского биографического института; Ўз МЭ. 2003. Т. 5. 241 б.; Олег Владимирович Лебедев. Ташкент: Фан, 2010. С. 79; Ташкентский автомобильно-дорожный институт – 30 лет. Ташкент: ТАДИ, 2002. С. 132 – 135, 196 – 199.



МУНДАРИЖА

А. Абдусаттаров, Н.Х. Собиров. Цистерна типдаги цилиндрик қобикни кучланганлик ва деформацияланганлик ҳолати тадқиқ қилиш.....	3
А.И. Адылходжаев, И.М. Махаматалиев, В.М. Цой, И.А. Кадыров. Маҳаллий зеолит таркибли тоғ жинслари билан цемент бетонларни тўлдириш самарадорлиги.....	9
А.М. Арифжанов, А.Р. Бабаев, Д. Абдураимова, Н.К. Латипов. Напорли қувурларда дарё чўкиндиларини тақсимотига доир тадқиқотлар.....	13
А.М. Каримов. Даврий тузилишли ёпишқоқ эластик аралаш муҳитнинг дисперсия тенгламаси.....	18
К.С. Лесов, А.Х. Мавланов. Темир йўллар контакт тармоғи анкерларини кумли грунтли ер полотносида ўрнатишдаги кўтариш қобилияти.....	21
Р.Х. Пирматов, А.В. Захаров, В.С. Чикматузянц. Бир қаватли тўсиқ конструкцияларни товуш изоляциясини график усулида ҳисоблаш.....	23
У. Раҳманов. Ўзаро таъсир этувчи “грунт-иншоот” тизимини жойлаштириш чуқурлиги ва сейсмик тўлқиннинг йўналишини ҳисобга олиб ташқи кучлар таъсиридаги кучланганлик ҳолатини ҳисоблаш.....	27
Я.О. Рузметов. Вагонларнинг тўқнашув вақтида юк ва қўғламанинг деформацияланган ҳолати тўғрисида.....	29
Ш.С. Файзибаев, М.Ш. Валиев, Н.А. Самборская. Гилдирак жуфтликлари бандажларининг гребени юзасида ёриқлар пайдо бўлиш шартлари.....	33
Н.А. Коршунова, М.И. Рузматов. Астероид орбитасини ўзгартириш учун янги вариант.....	38
Ф. Адилов, Ш. Махмудова, Д. Сағдуллаева, Р.А. Абилов. Мураккаб юксизланиш бўйича ўтказилган тажриба маълумотлари.....	41
А. Бегматов, Н.Т. Маматова. Ташқи муҳит билан ўзаро таъсирда бўлган эластик-пластик стерженнинг зарбавий таъсири масаласи.....	44
З.М. Маликов, Ф.Х. Назаров, Д.П. Наврузов. Марказдан қочма чанг туггич масалаларини k – ε модели орқали сонли ечиш.....	52
К.Д. Салямова, Х.Х. Турдикулов. Табiiй кузатиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда грунтли баланд тўғонларни статик кучланганлик ҳолати.....	58
А.А. Шермухамедов, Г.К. Аннакулова, Б.Ж. Астанов. Юқори энергияли универсал чопиқ трактори гидравлик осма тизимининг динамик ҳисоби ва экспериментал натижалари таҳлили.....	62
О.Х. Эшкабилов, Г. Гулямов, Н.С. Абед, С.С. Негматов, М.Н. Тухташева. Пахта хом ашёси билан ўзаро таъсирдаги композицион антистатик-иссиқлик ўтказувчи полимер материалларнинг антифрикцион хоссаларини аниқлаш қурилмаси ва методикаси.....	66
Б.А. Кушимов, К.А. Каримов, А.Х. Аҳмедов. Ташқи физик майдонлар ёрдамида қуриштириш жараёнини математик моделларини яратиш ва уларнинг аналитик ечимларини топиш. 2 қисм.....	71
А.С. Садриддинов, А.Т. Мусурмонов. Боғ оралғида тупроққа ишлов берувчи машина ҳаракати динамикасини ўрганиш.....	75

Илмий ахборотлар

А.А. Абдурахимов. Реакторнинг иш ҳаракати тўғрисида.....	81
А. Абдусаттаров. Қовушқоқ эластик-пластик жисмларнинг мураккаб такрорий юкланишлар таъсирида деформацияланиши, емирилиши ва узок муддатли мустаҳкамлиги жараёнларини башорат қилиш.....	84
Х.А. Байбулатов, У.Ю. Хамдамов, Ж.Г. Гайилов. Темир бетон қўприкларнинг таянч қисимларидаги ва конструкцияларининг характерли нуқсонлари.....	91
Э. Гайбназаров. Колосникли панжара сиртида ҳаракатланаётган пахта хомашёсидан ифлосликларни ажратиш жараёнининг назарий таҳлили.....	94
Б.М. Мардонов, Р.Ш. Сулаймонов. Линтер машинасининг ишчи камерасида айланаётган валнинг деформацияланган ҳолатини ўрганиш учун донатор муҳит моделини қўллаш.....	98
К.С. Султанов, С.И. Исмоилова, Ш.Э. Туланов. Пахта ипининг мустаҳкамлигини баҳолашнинг тақрибий усули.....	101

Хроника

Г.Х. Хожметов. ҚМҚ 2.01.03-96 – “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш” нинг IV “Ер ости иншоотлари ва муҳандислик тармоқлари” бўлимининг янги таҳрири учун.....	103
Шоумарова Мухайё 80 ёшда.....	105
Ўзбекистон механикалари.....	106

СОДЕРЖАНИЕ

А. Абдусаттаров, Н.Х. Собиров. Исследование НДС цилиндрической оболочки-котла цистерны по полубезмоментной теории.....	3
А.И. Адылходжаев, И.М. Махаматалиев, В.М. Цой, И.А. Кадыров. Об эффективности заполнения цементных бетонов местными цеолитсодержащими породами.....	9
А.М. Арифжанов, А.Р. Бабаев, Д. Абдураимова, Н.К. Латипов. Исследование распространения речных отложений по напорным трубопроводам.....	13
А.М. Каримов. Дисперсионное уравнение вязкоупругих композитов периодической структуры.....	18
К.С. Лесов, А.Х. Мавланов. Несущая способность анкеров контактной сети железных дорог при установке в земляном полотне из песчаных грунтов.....	21
Р.Х. Пирматов, А.В. Захаров, В.С. Чикматузянц. Графический метод расчета звукоизоляции однослойных ограждающих конструкций.....	23
У. Рахманов. Расчет напряженного состояния взаимодействующей системы " грунт – сооружение" на действие внешних сил с учетом направления действия сейсмической волны и глубины заложения.....	27
Я.О. Рузметов. О деформированном состоянии груза и подкладок при маневровых соударениях вагонов.....	29
Ш.С. Файзибаев, М.Ш. Валиев, Н.А. Самборская. Условия возникновения трещин на поверхности гребней бандажей колесных пар.....	33
Н.А. Коршунова, М.И. Рузматов. Новый вариант изменения орбиты астероида.....	38
Ф. Адиллов, Ш. Махмудова, Д. Сагдуллаева, Р.А. Абиров. Некоторые экспериментальные данные по сложной разгрузке.....	41
А. Бегматов, Н.Т. Маматова. Задача о внезапном нагружении упругопластического стержня, взаимодействующего с окружающей внешней средой.....	44
З.М. Маликов, Ф.Х. Назаров, Д.П. Наврузов. Численные решения задачи центробежного пылеуловителя на основе модели $k - \varepsilon$	52
К.Д. Салямова, Х.Х. Турдикулов. Статическое напряженное состояние высокой грунтовой плотины с учетом данных натурных наблюдений.....	58
А.А. Шермухамедов, Г.К. Аннакулова, Б.Ж. Астанов. Анализ динамического расчета и экспериментальных результатов гидравлической навесной системы энергонасыщенного универсально-пропашного трактора.....	62
О.Х. Эшкабилов, Г. Гулямов, Н.С. Абед, С.С. Негматов, М.Н. Тухташева. Установка и методика определения антифрикционных свойств антистатически-теплопроводящих композиционных полимерных материалов, взаимодействующих с хлопком-сырцом.....	66
Б.А. Кушимов, К.А. Каримов, А.Х. Ахмедов. Разработка и аналитическая реализация математических моделей процесса сушки с помощью внешних физических полей (Часть 2).....	71
А.С. Садриддинов, А.Т. Мусурмонов. Изучение динамики движения садовой почвообрабатывающей машины.....	75

Научные сообщения

А.А. Абдурахимов. О режиме работы реактора.....	81
А. Абдусаттаров. К прогнозированию процессов деформирования, повреждаемости и длительной прочности вязкоупругопластических тел при сложных циклических нагружениях (обзор).....	84
Х.А. Байбулатов, У.Ю. Хамдамов, Ж.Г. Гайибов. Характерные дефекты и повреждения конструкций опорных частей железобетонных мостов.....	91
Э. Гайбназаров. Теоретический анализ процесса отделения сорных примесей от хлопка-сырца во время его движения по колосниковой решетке.....	94
Б.М. Мардонов, Р.Ш. Сулаймонов. Применение модели зернистой среды для изучения деформированного состояния вращающегося валика в рабочей камере линтерной машины.....	98
К.С. Султанов, С.И. Исмоилова, Ш.Э. Туланов. Приближенный метод оценки прочности хлопчатобумажной пряжи.....	101

Хроника

Г.Х. Хожметов. К новой редакции раздела IV «Подземные сооружения и инженерные сети» КМК 2.01.03-96 – «Строительство в сейсмических районах».....	103
Шоумаровой Мухайё – 80 лет.....	105
Механики Узбекистана.....	106

Редактор: Н.А. Нишонов
Технический редактор: Е.В. Ан

Журнал зарегистрирован Агентством по печати и информации Республики Узбекистан 22.12.2006 г.
Регистрационный номер 0050.

Сдано в набор 12.07.2019. Подписано в печать 15.08.2019.
Формат 60×84 ¹/₈. Гарнитура Times New Roman. Ризография.
Усл.-печ. л. 13.48. Уч.-изд. л. 9.06. Тираж 100. Заказ № 615.
Цена договорная.

Отпечатано в Минитипографии АН РУз:
100047, г. Ташкент, ул. акад. Я. Гулямова, 70.